O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 апрель, № 69 (4479) Сешанба


Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар) **389-моддаси иккинчи қисмидаги** «244-моддалари, 273-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар «244-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 апрель
№ ЎРҚ — 141

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда) **109-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 апрель
№ ЎРҚ — 142

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги 470–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда, № 9, 419-модда, № 12, 608-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги 609–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) **12-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бож ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож ундирилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 апрель
№ ЎРҚ — 143

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

## қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳал қилувчи кучдир

***Мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртлари хусусида гап кетганда, албатта, Тошкент давлат аграр университети ҳам тилга олинади. Зеро, ушбу таълим даргоҳи юртимиз иқтисодиётининг турли тармоқларига етук ва малакали кадрлар етказиб бераётган билим масканларидан биридир. Бу ерда салкам олти минг нафар йигит ва қиз илм-фан сирларини пухта эгаллашаётир.***




**Таълим ваислоҳот**

Маълумки, кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси яққол кўзга ташланмоқда. Бунда, табиийки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илм-фан ютуқлари, деҳқончилик маданиятининг илғор тажрибалари татбиқ этилгани муҳим омил бўлаётир.

Мутахассислар деҳқончиликда экинларни табиат инжиқликларидан, зараркунанда ҳашарот ва касалликлардан ҳимоя қилиш мўл ҳосил гарови, дейишади. Ҳақ гап. Мисол учун, пахтачиликни олайлик. Биргина "кўсак қурти" туфайли қанчалаб ҳосил нобуд бўлади. Ана шу нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида ТошДАУ қошидаги Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот марказида самарали тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, университет олимлари Х. Кимсанбоев ва Х. Мирзалиева томонидан лаборатория шароитида "олтинкўз" энтомофагининг такомиллашган технологияси яратилгани бу соҳада муҳим янгилик бўлди. Ҳозирги кунда бу зараркунандаларга қарши арзон ва самарали кураш воситаси республикамиздаги 1000 дан зиёд биолабораторияларда кўпайтирилиб, амалиётда кенг қўлланилмоқда. Айни пайтда марказда бир қатор ёшлар илмий изланишлар олиб боришаяпти. Сиз суратда кўриб турганингиз, етакчи мутахассис Азиз Ҳакимов зарарли "хасва"га қарши кураш воситасини яратиш устида тадқиқотлар ўтказаётган бўлса, Азим Анорбоев фойдали ҳашорат "бракон"ни янада кўпайтириш ва сақлаш борасида чуқур изланмоқда. Лаборант Шаҳноза Зокирова эса уларга ҳар тарафлама кўмакдош.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

***Олий Мажлис қуйи палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланди. Н. Исмоилов бошқарган мазкур тадбирда депутатлар, Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари, шунингдек, давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ва журналистлар иштирок этди.***

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ушбу тизим ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айтиш жоизки, мазкур қонун қабул қилинган пайтда мамлакатимизда 538 та давлат нотариуси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 758 нафарга етди. Нотариал фаолиятни лицензиялашнинг янги тартиби ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар институтининг жорий қилиниши нотариатга малакали кадрлар кириб келишини таъминлабгина қолмай, ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини ҳам шакллантирди. Бу эса аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини оширмоқда, фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва ҳуқуқий манфаатларини нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ишончли ҳимоя қилмоқда.

Ҳозирда Хоразм вилоятида белгиланган тартибда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган 30 нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Давлат нотариал идораларида 15 нотариус ва 20 нафар ёрдамчи ходим ишламоқда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 15 нафар нотариус 63 та қўшимча иш жойи яратган. Кейинги ўн йил давомида аҳолига кўрсатилган нотариал хизматлар ҳажми 260 фоиздан ошган.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар нотариуслар томонидан бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатлари, қарз ва гаров шартномаларининг нотариал тартибда тасдиқланиши қонунга риоя қилиниши билан бир қаторда турли фуқаролик низолари вужудга келишининг олдини олаётганини алоҳида эътироф этдилар. Мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, кейинги уч йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган нотариусларнинг учдан бир қисми нотариал ҳаракатларни амалга оширишда йўл қўйган қонунбузарликлар учун интизомий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилган шу ва бошқа камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Олий Мажлис қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Қандли диабет касаллигининг профилактикаси муаммолари" мавзуида конференция ўтказилди.***

Мазкур қўмита раиси И. Насриев олиб борган анжуманда қандли диабет касаллиги ҳозирги кунда жиддий тиббий-ижтимоий муаммога айланганлиги қайд этилди. Чунончи, у ўзининг асоратлилиги билан ҳам кишилар ҳаётига таҳдидли бўлиб қолаётир. Хусусан, дунёда кўриш қобилиятини йўқотганларнинг 50 фоизи, юрак ишемик хасталигидан вафот этганларнинг 75 фоизи, оёқ-қўли ампутация этилаётганларнинг 70 фоизи қандли диабет касаллиги асоратлари ҳисобланади.

Анжуманда сўзга чиққанлар муаммонинг ушбу жиҳатларига эътибор қаратишар экан, бугунги кунда ер юзидаги давлатлар бюджетининг асосий қисми қимматли инсулин ва қанд миқдорини камайтирувчи дори воситаларига эмас, балки, айнан ушбу хасталик асоратларини даволашга сарфланаётганлигини таъкидлашди. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, ушбу касалликнинг олдини олишда аҳолининг тиббий маданияти юқори бўлиши, яъни ўз қонидаги қанд миқдорини вақтида назорат қилиш ва сифатли инсулин-терапияси муолажасини бажариши даркор.

Депутатлар мазкур хасталикнинг ижтимоий таъсирини инобатга олиб, ушбу касалликка чалинган беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутадиган тегишли ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқилиши лозимлигини таъкидлашди. Хусусан, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиб, таҳлил қилиб ҳамда мамлакатимиздаги мавжуд шарт-шароит ва имкониятларни инобатга олган ҳолда "Қандли диабет касаллигига дучор бўлган беморларни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш асослари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли тартибда парламентга киритиш масаласи муҳокама этилиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОЛИҚ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Бир рақам шарҳи



**2008** йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси **10** фоиздан **8** фоизга камайтирилади.

**Хўжалик юритувчи субъектларга бундай солиқ имтиёзларининг берилиши, ўз навбатида, инвестицияларнинг кўпайиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.**

***— Юртбошимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги "Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники", деган сўзларини эшитиб, фарзандларим кўз олдимга келди, — дейди автомобиль, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари Касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакили Шаҳодат Ихтиёрова.***

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

— Шукрки, болаларимнинг барчаси илмга чанқоқ. Қизим — Гулнора Ихтиёрова докторлик диссертациясини ёқлаш ниятида Туркиянинг Анадолу университетида илмий изланишлар олиб бораяпти.

Дарҳақиқат, Бухоро давлат университетида фаолият юритаётган ёш олима Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган "Erasmus Mundus" (Ташқи ҳамкорлик ойнаси) лойиҳаси бўйича эълон қилинган танловнинг ғолиби бўлди ва тадқиқотларини хорижда давом эттириш имконини қўлга киритди. Мазкур лойиҳа доирасида университетнинг бир қанча талабалари Бельгия, Финляндия, Франция, Польша каби давлатларда таҳсил олишмоқда. Масалан, Бухоро давлат университети аспиранти Нафиза Воҳидова яқинда Германиянинг Тюбинген университетида тил тизимида гродуонимик ҳодиса мавжудлигини асослаб, немис олимларини ҳайратга солди. Натижада, Немис тили тадқиқотлари институти лексика бўлими раҳбари, профессор Стефан Энгельберг ўзбекистонлик ёш олимани Манхайм университети докторантурасига тавсия этди.

**Фахр**

Ҳа, ёшларимиз юртимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларидан унумли фойдаланишмоқда. Уларнинг қалбида "эртанги кун бизники, марра бизники", деган ишонч, эътиқод бор. Бундай соф туйғулар истиқболимизнинг бугунгидан-да нурафшон бўлишидан дарак беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Маълумки, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида инвестициялар, айниқса, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими – бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислоҳотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигидан далолат беришини қайд этганди. Дарҳақиқат, ҳеч бир хорижий компания, айниқса, хусусий компания чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Шу боис, ушбу ҳақиқат зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратиш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклаши аниқ. Булар, табиийки, сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ишлар мисолида яққол кўзга ташланади. Чунончи, тегишли қонун ҳужжатларининг қабул қилингани, уларнинг изчил такомиллаштириб борилаётгани хорижлик инвесторларга кенг имконият ва имтиёзлар бераётир. Буни Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухбиримизнинг юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр ИМИНОВ билан суҳбати ушбу қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида бўлди.**

▼ Сенатда маъқулланган

# ИНВЕСТИЦИЯ

## жадал ривожланишга хизмат қилади

— Давлатимиз раҳбари топшириғи билан Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди, — деди Бахтиёр Мирзажонович. — Мазкур Қарорга биноан, 2008 йил 1 январдан бошлаб чет эллик инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкнинг божхона тўловидан озод этилишига оид имтиёзлар устав сармоясида хорижий инвесторнинг улуши камида 33 фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан қўлланиши белгиланди. Шу асосда парламентнинг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун замонавий технологиялар ва ускуналарни, уларнинг бутловчи қисмларини, шунингдек, хом ашё ва материалларни олиб кираётган чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашни тартибга солиш ушбу Қонуннинг асосий мақсадидир. Унга кўра, "Бож тарифи тўғрисида"ги ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

**— Сиз ҳозир санаб ўтган қонунларга нега ўзгартиш ва қўшимча киритиш зарурати туғилди?**

— Чунки "Бож тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаларини ҳуқуқий қўллаш амалиёти ўрнатилган божхона божини тўлаш бўйича имтиёзларни чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга нисбатан ҳам қўллаш ёки фақат хорижий инвесторларга қўлланиши бўйича ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатди.

Барчамизга маълумки, хорижий инвестор ўзининг фаолиятини чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ташкил этган ҳолда амалга оширади. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ташкил этмаган ҳолда хорижий инвестор ишлаб чиқариш билан шуғулланиши ва тегишлича ишлаб чиқариш эҳтиёжларига эга бўлиши мумкин эмас. Демак, амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган ноаниқликлар туфайли имтиёзларни чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қўлламаслик, гўёки мамлакатимизда чет эл инвесторларига нисбатан имтиёзлар йўқлигини англатиши мумкин эди.

**— Сиз амалиёт шу нормаларни миллий қонунчиликка киритишни тақозо этмоқда, дедингиз. Айтинг-чи, инвесторлар учун берилаётган имтиёзлар ҳамма жойда ҳам бирдек таъминланган эдими?**

— Буни ҳамма жойда бир маромда амалиётга татбиқ этилганди, дейишдан йироқмиз. Мисол учун, Самарқанд вилоятидаги "Парвоз" меҳмонхонаси 800 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан "Регал" қўшма корхонасига сотилган. Инвестор томонидан 500 млн. сўмлик меҳмонхона жиҳозлари хориждан келтирилган. Вилоят божхона бошқармаси томонидан эса хориждан келтирилган инвестициядан 50 млн. сўмдан кўп бож тўланиши асоссиз талаб этилганлиги сабабли меҳмонхонага инвестиция киритиш жараёни олти ойга кечиккан. Ёки "Андижонкабель" очиқ акциядорлик жамиятига акциядор — "Фариал" корхонаси томонидан, инвестиция дастури доирасида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида, хориждан лойиҳалаш-смета ҳужжатлари ва техник иқтисодий асослашлар (ТИА) келтирилиши кўзда тутилган. Унга ҳам белгиланган тартибда бож тўлаш талаб этилган ва натижада, бу ҳолат ҳам имтиёзларнинг турли талқин этилишига олиб келган ва натижада салбий оқибатларга сабаб бўлган. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳам божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжати нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида амалдаги "Бож тарифи тўғрисида"ги ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Қонуннинг маъқулланиши мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга, янги замонавий техника, технологияларни ва бу соҳада янгиликларни жорий этишга, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга хизмат қилади. Пировардида, мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этишга ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга хизмат қиладиган ҳуқуқий асослар яратилади.

**— Сўзингиз аввалида қўмита томонидан яна бир ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киритилганини тилга олгандик.**

— Ушбу Қонун ҳам юқорида тилга олинган нормалар, яъни имтиёзлар хусусида. Чунончи, унда ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, яъни жисмоний ва юридик шахслар учун божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини бирхиллаштириш ва тартибга солиш кўзда тутилган.

2007 йилнинг 12 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорининг 9-бандида 2008 йилнинг 1 январидан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси бўлган жисмоний шахсларга нисбатан юридик шахслар учун назарда тутилган божхона тўловларини тўлаш тартиби қўлланилиши, яъни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тўловлар борасидаги қўйиладиган талаб бирхиллаштирилиши белгиланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи Божхона кодекси 109-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжатлар мамлакатимиз аҳолиси фаровонлиги, иқтисодиётининг янада барқарор ривожланиши, энг муҳими, инвесторлар ишончига, инвестиция оқимининг ортишига хизмат қилади, албатта.

**Қ. ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ

***Бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли мутахассисларга бой жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.***

Зотан, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам истиқлол йилларида янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталди. Табиийки, бу эътироф замирида мамлакатимиз таълим тизимида эришилаётган залворли ютуқлар мужассам.

▼ Ифтихор

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда ўз Ватанининг эртасини ўйлаб, унинг ёрқин келажагини таъминлаш борасида масъулиятни чуқур ҳис этадиган, замон билан ҳамнафас фикрлашга қодир мутахассисларни тарбиялаш устувор вазифага айланди. Ушбу мақсадларга эришишда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури каби ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Бинобарин, таълим тизимидаги бундай кенг қамровли ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этила бошлангандан буён 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби бунёд этилди, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Таълимдаги бу сингари ислоҳотлар нафақат ўқув масканларининг кўринишига, шу билан бирга, уларни замонавий ўқув ускуналари билан таъминлаш, Давлат таълим стандартларига мувофиқ дарсликлар ишлаб чиқариш ва уларни таълим муассасаларига етказиб бериш масалаларини қамраб олганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик.

Кўз олдингизга келтиринг, айни пайтда юртимизда 10 мингга яқин мактаб фаолият кўрсатаяпти. Уларда 500 минг нафар ўқитувчи-мураббий ёшларга сабоқ бераяпти. Ўз навбатида, уларнинг меҳнати ҳар жиҳатдан қадр топиб, соҳа фидойилари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Таълим соҳасига ҳукумат миқёсида бу қадар улкан эътибор қаратиш, ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, тан олайлик, унча-мунча давлатда йўқ. Бу эзгу ишлар самараси таълим соҳасидаги туб бурилишларга сабаб бўлмоқда. Кўз юммаслигимиз керак, ўз вақтида мактабга шунчаки, куним ўтса бўлди, дея хўжакўрсинга келиб-кетадиганлар ҳам бор эди. Ҳукуматимизнинг соҳага тегишли қарорлари эса бундай ҳолатларга чек қўйиш билан бирга мутахассислар ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобат, соғлом муҳитнинг шаклланишига туртки берди.

Бугун мактабларимиз учун, у ерда ўқийдиган фарзандларимизнинг пухта билим эгаллашини кўзлаб харид қилинаётган жиҳозлар ўта замонавийлиги билан эътиборни тортади. Бундай ўқув жиҳозларини харид қилиш бўйича кенг жамоатчилик, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида, "Ўзэкспомарказ" ва бошқа кўргазма мажмуаларида мактаб мебеллари кўргазмалари ташкил этилиб борилади. Мазкур кўргазмаларга республикамизнинг барча ҳудудларидан ўқитувчи, ўқувчи, услубчилар, таълим муассасалари раҳбарлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ташриф буюради, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиради. Шу аснода соҳага оид жиҳозларни ишлаб чиқариш юксак сифат талаблари асосида йўлга қўйилмоқда.

Халқимизда эзгу ният ила ерга оддий бир чўпни қадасанг, у бир куни, албатта, мева беради, деган ҳикматомуз гап бор. Шу маънода, таълимдаги изчил янгиланишлар самараси туфайли бугун ишонч ва шиддат билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар сафи ортиб бормоқда. Уларнинг бир нечта хорижий тилларни ўрганиб, дунёга чиқаётганлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этаётганлиги, шак-шубҳасиз, эртани кўзлаб олиб борилаётган одилона сиёсатнинг маҳсулидир. Истиқлол даврида униб-ўсиб келаётган ёшларимиз фикрларига қулоқ тутсангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз. Мана улардан бирининг мулоҳазаси:

— Истиқлол биз учун улкан имкониятлар яратди, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 2-босқич талабаси Моҳира Нурматова. — Мисол учун, мен мактаб ва коллежда олган билимим туфайли ушбу нуфузли даргоҳда ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Ўқиш мобайнида таҳсилни Японияда давом эттириш ҳуқуқини берувчи грантни ҳам қўлга киритдим. Ўз ютуқларидан қувониб, яратилган шарт-шароитдан мамнун бўлган мен каби ёшлар юртимизда кам дейсизми? Президентимиз биз, ёшларга оталарча самимий ғамхўрлик кўрсатиб, бошимизни силаётган эканлар, ана шу юксак эътибор ва муносабатга яраша бўлиш ҳар биримизнинг олий бурчимиз.

Моҳира Нурматованинг ушбу фикрларида, қатрада қуёш акс этганидай, умуман, мамлакатимиз ёшларининг қалб туйғулари ёрқин ўз мужассамини топганлиги шак-шубҳасиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги миллий қонунчилик ҳужжатлари билан кенг оммани энг мақбул тарзда хабардор қилиш имконини яратиш мақсадида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базаси ахборот дастури яратилишининг муҳим босқичларини якунлади.***

# LexUZ: ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАНБАИ

Ахборот дастурига ўзбек ва рус тилларида 1990 йилдан то ҳозирги кунгача республикамизда қабул қилинган қонунлар, миллий парламентимиз — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари киритилди. Уларнинг сони 16 мингдан ортиқ. Мазкур дастурнинг жаҳон ахборот тармоғи — интернет тизимига уланиши ва ишлаши таъминланди. Унинг интернет тизимида муносиб ўрин эгаллаши ва жарангдор янграши ҳамда бир қарашда, қайси мамлакат қонунчилиги базаси эканлигини намоён этиш учун унга «LexUz» ҳуқуқий ахборот қидириш тизими» деган ном берилди. Ҳозир интернетга киришга имконияти бўлган дунёдаги барча кишилар учун Ўзбекистон қонунчилиги билан танишиш имкони мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот қидириш тизими дастури билан Адлия вазирлигининг расмий интернет сайти ва махсус **www.lex.uz** сайти орқали танишиш мумкин. Интернетдаги исталган ахборот қидириш тизими орқали қонунчиликка таааллуқли ўзингиз хоҳлаган бирор "калит" сўзни ўзбек ва рус тилларида қидиришга берсангиз, мазкур дастурга киритилган Ўзбекистоннинг тегишли қонунчилик ҳужжатини дарров топасиз.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази ишончлилик, тўлиқлик ва тезкорликка асосланган «LexUz» ҳуқуқий ахборот қидириш тизими» дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш учун, энг аввало, ахборот технологиялари ва компьютер дастурлари бўйича катта тажриба, билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни жалб қилди. Хорижий мамлакатларда яратилган ҳуқуқий ахборот қидириш тизимлари ўрганилди ҳамда хорижда ва мамлакатимизда бу соҳада тўпланган ютуқларни таҳлил қилган ҳолда уни амалга оширишга киришилди.

▼ Диққат, янгилик

Ушбу лойиҳа Адлия вазирлиги раҳбарияти назорати остида Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан вазирликнинг қонунчилик йўналишидаги бошқармаларининг доимий кузатувида ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) гуманитар кўмак сифатида Дастурни замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлади. Ҳозирда БМТнинг Ривожланиш дастури эса бу тизимни модернизациялаш ва унинг хавфсизлик тизимини такомиллаштириш учун беғараз молиявий-техник кўмак бериб келмоқда.

Дастур воситасида миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиш, мустақиллик даврида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини топишнинг ноёб имконияти мавжуд. Дастур базасида кучини йўқотган ва юзлаб ўзгартиш киритилиб, ҳозирда ҳам амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриш мумкин.

Тан олиш кераккі, баъзи туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланиши талаб даражасида эмас. Муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим қонун ҳужжатларини топишнинг, ҳатто имкони ҳам йўқ. Вазирлик томонидан амалга оширилган мониторингларда узоқ ҳудудлардаги айрим маҳаллий давлат идораларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назорат ҳолатида бўлмаган, яъни унга киритилган янги ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинмаган ҳолда амалиётда фойдаланилаётганлиги, ҳатто баъзи бир муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бу идораларда топилмаганлиги ҳолатлари аниқланган. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳокимият идораларининг, давлат хизматчиларининг хабарсиз бўлиши ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишига тўсқинлик қилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «LexUz» ҳуқуқий ахборот қидириш тизими» ўзига ўхшаш бошқа тизимлардан замонавийлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир кичик элементига алоҳида (уникал) код берилиш тизимига асосланганлиги билан фарқ қилади. Бу эса ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунчиликни такомиллаштириш, ундаги муаммоли нуқталарни аниқлашда мутахассисларга кенг имкониятлар очади.

Бундай ҳуқуқий ахборот қидириш дастурининг яратилиши давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахсларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан бохабар бўлиш имконини яратади. Давлатимиз томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижасида мамлакатимизнинг энг олис туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам интернет воситасида «LexUz» ҳуқуқий ахборот қидириш тизими»дан фойдаланиши мумкин бўлади.

**Худоёр МЕЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи.**

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

## қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳал қилувчи кучдир



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада биз учун дастуриламал бўлмоқда, — дейди Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири, доцент Бахтиёр Ғуломов. — Бу ҳужжат талаблари асосида интенсив боғларни барпо этиш учун пайвантаглар танлаш, уларда кўчат етиштириш бўйича илмий изланишлар ва тажрибалар ўтказилмоқда. Ҳозиргача олма ва нокнинг иқлим шароитимизга мос навлари яратилгани шундай изланишларнинг дастлабки натижасидир.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 30 апрель — 3 май кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да I республика инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтади. Тошкент давлат аграр университети ёш тадқиқотчилари ҳозирда ўзларининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мева-сабзавотчилик, пиллачилик, узумчилик тармоқлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари бўйича яратган илғор ғоя ҳамда устувор лойиҳалари билан мазкур нуфузли тадбирда иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** илмий тадқиқотлар маркази бошлиғи Умид Назарқулов ҳамда Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири Бахтиёр Ғуломов университет тажриба участкасида.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1187,12 | 1 Польша злотийси | 583,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2586,31 | 1 СДР | 2131,39 |
| 1 Дания кронаси | 273,99 | 1 Туркия лираси | 997,86 |
| 1 БАА дирҳами | 354,51 | 1 Швейцария франки | 1294,43 |
| 1 АҚШ доллари | 1301,81 | 1 ЕВРО | 2042,41 |
| 1 Миср фунти | 239,33 | 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 1 Исландия кронаси | 17,11 | 10 Япония иенаси | 128,42 |
| 1 Канада доллари | 1279,04 | 1 Россия рубли | 55,22 |
| 1 Хитой юани | 185,57 | 1 Украина гривнаси | 57,78 |
| 1 Малайзия ринггити | 408,37 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

— 2005 йили Президентимизнинг «Коммунал хизмат тарифларининг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шу ҳужжат асосида эса Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ истеъмолчилари ва газ таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди, — дейди Самарқанд тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Олим Мирзаев. — Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида биз бевосита коммунал соҳа мутахассислари билан биргаликда иш олиб бораяпмиз. Жумладан, шу йилнинг январь ва февраль ойларида ўтказилган текширишлар асносида 23 нафар фуқаронинг газ таъминоти идораси билан шартнома тузмасдан, табиий газ тармоғига уланиб олганлиги аниқланди. Уларнинг иссиқхоналарини иситиш мақсадида табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланишлари оқибатида давлатга 11 миллион 212 минг 800 сўм зарар етказилган.

▼ Назорат

Қонунбузарларнинг бундай хатти-ҳаракатлари бўйича фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Бундан ташқари, газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келган 22 нафар фуқарога маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судига юборилди.

Юқори Чордара қишлоғида яшовчи Фурқат Одилов эса 24 сотихлик иссиқхонасига «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси «Самарқандтумангаз» филиалининг рухсатисиз, ҳеч қандай шартномани имзоламасдан, табиий газ ўтказиб олибди. Мутахассислар ҳисоб-китоби унинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида давлат манфаатларига 3552354 сўмлик зарар етказилганини кўрсатди.

Ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар асосида Ф. Одиловга нисбатан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси томонидан олиб борилиб, тергов жараёнида зарар тўлиқ ундириб олинди.

Чордара қишлоғида яшовчи Ўлмас Одиловнинг ўзбошимчалиги ҳам ўзи учун қимматга тушди. У 15 сотихлик иссиқхонасига яхши ният билан бодринг экканди. Аммо бу экиннинг парвариши учун, энг аввало, иссиқлик керак эди. Шу боис Ў. Одилов ноқонуний равишда иссиқхонани газ тармоғига улаб олади. Туман прокуратураси ходимлари тегишли мутахассислар билан текшириш ўтказишганда, у ўз қилмишини яширишга ҳеч қандай асос тополмади. Оқибатда ундан етказилган зарар — 2116692 сўм ундириб олинди.

Қонун барчага баробар. Унга риоя қилмаганларга тегишли жазо муқаррардир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ЯКДИЛЛИК



**_Мафкура билан қонунчилик ҳақида сўз кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, бу икки йўналиш ўртасида муайян тафовут мавжуд. Хусусан, қонун давлатнинг бутун қудрати, кучи билан бажарилиши таъминланадиган, кафолатланадиган ҳуқуқий асосдир. Мафкура эса жамият, фуқароларнинг кўпроқ ўз инон-ихтиёри, виждон амри билан амалга оширилиши ёки оширмаслиги, жамоатчилик фикри, онги, айниқса, эҳтиросларини жумбушга келтирадиган, ундовчи, сафарбар этувчи ва уюштирувчи маънавий-руҳий қадриятдир._**

Бунинг устига, ривожланган, ҳуқуқий фуқаролик жамияти ва унинг қадриятларини шакллантирган давлатларнинг XX асрда турли ёт мафкуралар келтирган маълум оқибатлар билан боғлиқ тарихий тажрибаси «мафкурабозлик ўйинлари» жуда қалтис, хатарли эканлигини кўрсатди.

Натижада жуда кўп илғор давлатлар ана шу аччиқ хулосалардан келиб чиқиб, ўз Конституцияларида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам Бош Қомусимизнинг 12-моддасида «ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб қатъий белгилаб қўйди.

Ўзбекистон, кўплаб давлатлар қатори бозор иқтисодиётига асосланган эркин ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига ўтиш даври шарт-шароитлари, имкониятлари, қийинчиликларини бошдан кечирган ҳолда тараққий этиб бормоқда. Ўтиш даврида эса, конституциявий-ҳуқуқий майдоннинг вужудга келтирилиши, қонунларнинг мукаммал тизимини яратишнинг ўзи ислоҳотларни амалга ошириш учун етарли бўлмайди.

Тараққиёт қонунчилик тизими механизмларини такомиллаштириш, замонавий ҳуқуқий онг, тафаккур ва иродани шакллантириш, замонавий сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар ва меъёрларни қарор топтиришдан ташқари, халқни юксак эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, ана шу мақсадлар сари мафкурани сафарбар қилишдек маънавий-ахлоқий захира (резерв)ни ҳам ишга солишни талаб этади.

**9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун**

Таъкидлаш жоизки, янги миллий давлатчилик қонунчилик тизимини шакллантириш, тараққий эттиришнинг яна бир муҳим имкониятига, Ўзбекистон Конституцияси дебочасида ёзиб қўйилганидек, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, «ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб» иш кўради.

Ўзбек миллий давлатчилиги, қонунчилигида энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача у ёки бу мафкурага мутлақ ҳукмронлик мақоми берилмагани ҳолда, қонунчилик тизими орқали идора этиш ва бошқариш усуллари билан бирга халқимиз анъанаси, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий онгида жо бўлган миллий мафкурамизнинг жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи кучидан моҳирлик билан истифода этилганлигини кўришимиз мумкин.

Соҳибқирон бобомизнинг салтанати ўз замонасига нисбатан мукаммал қонунчилик тизими ва яхлит мафкурасига эга бўлган.

Қонун олдида барчанинг тенглиги, қонунни бузиш учун жазонинг муқаррарлиги, энг асосийси, қонуннинг қатъий, сўзсиз ва эътирозсиз ижро этилиши катта ва қудратли салтанат ҳаётида белгиловчи қоида эди. Натижада, соҳибқироннинг ўз ибораси билан айтилганда, «Миср сарҳадларидан то Чин деворларигача» ястанган унинг салтанати бўйлаб бир табақ олтин, нуқра, жавоҳирни бошига қўйғон болакай бехавотир, ғорат, талон-торожга учрашдан қўрқмай етиб бориши мумкин эди.

Бунинг учун соҳибқирон ўз теварагида миллатлар ва қавмларни шундай бирлаштириш, уюштириш ва жипслаштиришга эришдики, бу бирлик асосини ягона, танҳо ва муқаддас Ватан тушунчаси, туйғуси ташкил этар эди.

Демак, Амир Темур қурган салтанатда қонунчилик тизими, идора ва бошқарув усулида қонунчилик технологияси механизмларига қанчалик изчил, қатъий, мукаммал амал қилинган бўлса, мафкуравий тизим, қадриятлар, нишон ва меъёрларга ҳам шунчалик мукаммал ва қатъий риоя этилган.

Амир Темурдан бошлаб барча темурийлар, кейинги ўзбек сулолалари, вакиллари миллий тилни ривожлантириш, мукаммаллаштириш, уни юксак давлатчилик ва халқаро дипломатик алоқа, музокаралар тилига, юксак илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ ва сиёсат, нафис бадиий, тасвирий санъат тилига, муқаддас дини ислом, ахлоқ-одоб тилига айлантириш мақсадида махсус Олий ҳайъатлар тузиб, мукофотлар таъсис этиб, рағбатлантириш йўли билан она тилининг юксак давлат тили мақомини таъминлаган эдилар. Орадан 100 йил ўтмай, ана шу мафкуравий кураш самарасини бериб, Навоий, Бобур, Улуғбек тили ҳам Самарқандда, ҳам Ҳиротда юксак давлатчилик илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ ва сиёсат, бадиий тасвирий санъат, бадиий-ахлоқий фанлар тили бўлиб қолди. Мумтоз ўзбек адабий тили Навоий, Бобур, Улуғбек ижоди ва меросида ўзининг бутун куч-қудратини намоён қила бошлади.

Ўз навбатида, жуда катта мафкуравий куч-қудрат, таъсир кучига эга бўлган соҳибқироннинг «Рости-русти» (яъни, «Куч-қудрат-адолатдадир») тамойили ҳамда барча давлат рамзлари халқимизни бирлаштирувчи, буюк салтанат — давлат қуришдек улуғ мақсад сари курашга сафарбар этувчи миллий истиқлол мафкурасининг мақсад, ғоя ва вазифаларини ифодалашдек эзгу мақсадларни бажарган.

Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига бирон мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади. Мавжуд қонунчилик, қонунлар Ўзбекистонда вужудга келаётган барқарор тараққиётнинг мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлса, миллий мустақиллик мафкураси миллий давлатчилигимизга миллий руҳ, онг ва ирода бахш этади, халқимиз, миллатимизни ягона мақсад йўлида бирлаштиради, уюштиради, жипслаштиради, келажаги буюк Ўзбекистон давлатини қуришга сафарбар этади.

**Садриддин ХИДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Ёш боксчиларимиз биринчи

**_Бокс бўйича Донецк (Украина)да ўтказилган халқаро турнирда Мансур Маҳмудов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Украина, учинчи ўрин эса Арманистон боксчиларига насиб этди._**

Маълумки, "А" тоифага кирувчи ушбу нуфузли мусобақа Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (АИБА) шафеълигида ўтказиб келинади. Бу сафарги турнирда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган 100 нафарга яқин боксчилар рингга чиқишди. Иштирокчилар орасида жаҳон ва Европа чемпионлари ҳам борлиги мусобақаларнинг муросасиз ўтишини таъминлади.

Вакилларимиздан Дилшод Ҳамроев (57 кг.), Ўткирбек Назаров (64 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.), Шуҳрат Абдуллаев (75 кг.) олтин, Бунёдбек Машрапов (51 кг.) кумуш медаллар соҳиби бўлишди.

Бугун бокс бўйича ёшлар терма жамоамиз Ногинск (Россия)да бўлиб ўтадиган халқаро турнирда қатнашиш учун жўнаб кетади.

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ад-Даммамда 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Мусобақаларга жорий йилнинг 31 октябрь — 14 ноябрь кунлари Саудия Арабистони мезбонлик қилади.

Қуръа натижалари қуйидагича кўриниш олди:

**"А" гуруҳи:**
Япония, Саудия Арабистони, Эрон, Яман.

**"В" гуруҳи:**
Жанубий Корея, Ироқ, БАА, Сурия.

**"С" гуруҳи:**
КХДР, Хитой, Тожикистон, Ливан.

**"D" гуруҳи:**
Иордания, Австралия, Таиланд, **Ўзбекистон.**

AFC U-19 CHAMPIONSHIP SAUDI ARABIA 2008

## Чемпион очко йўқотди



**_Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионатининг тўртинчи тур учрашувлари якунланди. Ушбу турдаги кутилмаган натижаларидан бири "Локомотив"— "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги беллашувда қайд этилди._**

Учрашувда майдон эгалари тезкор тўп киритишга муваффақ бўлишди. "Пахтакор" марказий ҳимоячиларининг қўпол хатосидан унумли фойдаланган легионер Эвертон Кавалканте ҳисобни очди— 1:0. Учрашувнинг 20-дақиқасида Александр Гейнрих ўн бир метрлик жарима тўпидан ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Ниҳоят, "Динамо" жамоаси мавсумдаги илк ғалабасига эришди. Самарқандлик футболчилар ўз майдонида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Машъал" — "Насаф" 2:1, "Металлург" — "Бухоро" 2:1, "Навбаҳор" — ОТМК 2:0, "Андижон" — "Қизилқум" 1:0, "Шўртан" — "Сўғдиёна" 0:2, "Қурувчи" — ЎзДонгЖу 5:0.

Тўртинчи турдан сўнг "Қурувчи" жамоаси 12 очко билан турнир жадвалида пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ва учинчи ўринларда бораётган "Пахтакор" ва "Сўғдиёна" жамоалари ҳисобида 10 тадан очко бор.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт

GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган
**ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ
таклиф этади.

**Диаметри 100 мм. дан 1200 мм. гача.**
**Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.**

**_ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:_**
**_суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб._**

1. Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатлами перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.

**Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.**
**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**
**ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.**
**ФАКС: (370 71) 715-63-16.**
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

# МАДАНИЯТ хабарлари

**_Самарқанддаги Тиллакори мадрасасида "Самарқанд ёдгорликлари тарихий суратларда" деб номланган кўргазма очилди._**

## Суратлар мозийдан сўзлайди

Экспозициядан жой олган асарларда кўҳна мозий тасвирлари акс этган. Жумладан, Шоҳи Зинда, Бибихоним жомъе масжиди, Гўри Амир мақбараси сингари тарихий ёдгорликларнинг, Темур ва Темурийлар даври санъати ва маданиятининг суратлардаги ифодаси санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, кўргазмадан Регистон ансамблининг XV асрдаги кўриниши ва XVII асрдаги ҳолати, Самарқанддаги археологик қазишмалар натижасида топилган қимматбаҳо буюмлар акс этган суратлар ҳам ўрин олган.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қувноқ ва зукко талабалар

**_«Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг Наманганда ташкил этилган минтақавий босқичида водийдаги бешта олий ўқув юрти жамоаси майдонга тушиб, уч шарт бўйича баҳсга киришди._**

Ҳазил-мутойиба, мусиқали саҳнавий кўринишлар орқали талабалик ҳаётининг ўзига хос қирраларини маҳорат билан намойиш этган Андижон Давлат университетининг «Универсал» жамоаси ғолиблик шоҳсупасига чиқди. НамДУнинг «Эксклюзив» жамоаси эса иккинчи ўринни эгаллади.

Минтақавий босқич ғолиблари жорий йилнинг май ойида пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилиши режалаштирилган финал босқичида водий шарафини ҳимоя қиладилар.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА.**

## «Офарин» ютуқларга эришмоқда

**_Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Офарин" рақс театрининг ижодий кечаси ўтказилди. Миллий куй-қўшиқларимиз асосида яратилган рақслар ўзгача завқ билан ижро этилди._**

— Театримизга бундан беш йил бурун асос солинган, — дейди театр бадиий раҳбари ва бош балетмейстер Алия Шалхарова. — Ўтган вақт мобайнида нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам эътирофлар қозондик. Шунингдек, Жанубий Кореяда ўтказилган "Summer Festival" халқаро фестивали, Қозоғистонда бўлиб ўтган "Рақс ансамбллари халқаро фестивали" совриндори бўлдик. Бундан ташқари, Индонезия, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Литва, Латвия, Россия каби давлатларда миллий санъатимизни тарғиб қилиш, юртимиз довруғини кўтаришга хизматимиз сингганидан хурсандмиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7